

**Зарипов Одил Олимжонович**

*Бухарский филиал Ташкентского института ирригации и мелиорации,  
Узбекистан*

## БОЛЬШОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ В ИЗУЧЕНИИ ИСТОРИИ ТЮРКСКИХ ПЛЕМЁН **ТУРКИЙ ҚАВМЛАР ТАРИХИГА ДОИР УЛКАН ТАДҚИҚОТ**

**Аннотация.** Ушбу мақола татар тарихчиси Ҳасан Ато Абушийнинг «Туркий қавмлар тарихи» асарида асосида туркий қавмларнинг келиб чиқиши ва географик тарқалиши масалаларининг ёритилиши таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Ҳасан Ато Абуший, туркий, турк, Ўрта Осиё, Туркистан.

**Аннотация.** В этой статье прослеживаются вопросы происхождения, расселения и другие этнические процессы древних тюркских племён по материалам книги татарского историка Ҳасан Ато Абуший «История тюркских племён».

**Ключевые слова:** Ҳасан Ато Абуший, тюркский, турк, Средняя Азия, Туркестан.

**Annotation:** This article traces the origin issues, resettlement and other ethnic processes of ancient Turkic tribes on the book of the Tatar historian Hasan Ata Abushov «The history of Turkic tribes».

**Keywords:** Hasan Ata Abushiy, Turkish, Turk, Central Asia, Turkestan.

Мазкур тадқиқотда Ҳасан Ато Абуший<sup>1</sup> туркий ҳалқлар тарихига доир бир қатор қизиқ ишонарли фикрларни илгари суради. Чунончи муаллиф, японлар, хитойлеклар, эскимослар, бурятлар, чукчаларнинг (чукчиларнинг), бир сўз билан айтганда, шимолий муз океани чегаралариу узоқ шарқда истиқомат қилувчи жамики ҳалқларнинг, элатларнинг туркий эканлигини қатори далиллар ёзган асосида баён қиласди. Филология фанлари номзоди Поён Равшан алоҳида эътироф этишидан янда аникроф билиб оламиз. Шуни эътироф этиш керакки Октябр инқолобидан олдин ҳам, кейин ҳам туркийлар қавмлар тарихига доир асарлар яратилмаган. Буни автор Ҳасан Ато Абуший таъкидлаб ёзди: «Тарих илмининг нузуми ва зарурияти ушбу даражада эдики, жуда эски замондан берли илм аҳлларина узоқ синов ва тажриба сўнгидаги шаксиз билина келмишdir ... Тарих илми эскидан берли ушбу даражада экан, на сабабдин бизнинг қавмимиз-миллатимиз (Русия турклари) ичинда бу кунга қадар ўзина тегишли ўрнини олмамишdir? Турк тилинда торих жуда оз ёзилмишdir».

Ҳасан Ато Абушийнинг бу фикрлари ҳозирги кун учун ҳам муҳим таъкидлайди. Муаллифнинг кўрсати-

шича, араб ва форс олимлари — ислом муаррихлари икки мингга яқин тарихий асарлар ёзганлар. Аммо Амир Темурнинг тарихи ҳам, кейинги подшоҳларимиз ҳақида ҳам ўз она тилимизда ёзилмаганлиги Абушийнинг эътирозини тўғрилигини тасдиқлайди. Ҳасан Ато Абушийнинг ўзи XIX аср охирлари, XX аср бошларида яшаган татар маърифатпарвари. У татар олими Шахобиддин Маржоний издоши бўлиб, кенг қамровли билимга эга бўлган. Шахобиддин Маржоний ҳам Захириддин Муҳаммад Бобур, Абулғозий Баходирхон изидан бориб, туркий тилда тарих битиш анъянасини давом эттирган. Унинг ўзи тан олишича, у Европа ва Шарқ илм-фанидан яхшигина хабардор бўлган Шу боисдан ҳам унинг яқинлари туркийлар тарихи ҳақида асар ёзишни ундан илтимос қилганлар. Натижада Ҳасан Ато Абуший кўп изланишлар олиб борган, Маржоний, Масъудий, Абулғозий ва бар қатор олиму фузалоларнинг асарларини чуқур ўрганиб, «Муфассал тарихи қавми туркий» асарини ёзиб туғатди. Бу асар ёзилганида туркларнинг асосий яшаш жойларидан бири бўлган Булғор шахри Руслар тасаруфида бўлган. Шунинг учун ҳам Абуший туркийларни энг аввало Европада пайдо бўлганлиги ҳақидаги фикрни тан олинишига қараб ёндашади.

Ҳасан Ато Абуший бу асарида жуда улкан тадқиқот ишини амалга оширган. У араб муаррихлари туркий

<sup>1</sup> Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. — Т.: Чўлпон. — 1993. — 240 б. Туркий қавмлар тарихи, хижрий 1327, милодий 1909 йилда Үфада чоп этилган.

қавмлар сонини 56 та деб белгилаганликларини унинг ўзи эса бу миқдорни 60 тага етказганини ёзади. Мазкур китоб Турония туркларини тавсифидан бошланади. Унинг ёзишича: «Турк уруғлари қавми турониянинг қабилабоши ва жуда эски ва улуғ шўйбасидир... Турк халқи бу ерларнинг энг эски халқлари ва хожалари эди»<sup>2</sup> — дейди. Ўтмиш тарихга назар ташласак, Ҳасан Ато Абушийнинг бу фикрлари ҳақ эканлигига ишонамиз. Китобда туркий қавмлардан бўлган хитой, искиф, масоғет, булғор, бошқурт, мажор, венгер, хазар, яхудий динидаги булғорлар, уйғур, ўзбек, ўғуз, туркман, хоразм, қипчоқ, салжук, усмонли, кирғиз, қозоқ, татар, Манжур, Хитой татарлари, тўнгус, Мангул ва бошқа аждодларимиз бари бир шажарадан тарқалган туркийлар эканлигижўяли фикрлар келтирган. Абуший бу китобда факатгина туркий қавмларни тавсиф қилибгина қолмасдан, қўшни халқлар тарихи, уларнинг туркийлар билан муносабати: дўстлик алоқалари, ихтилофлари ҳақида ишончли ва тўғри фикрларни баён қилган.

«Туркий қавмлар тарихи» китобида баён қилинишича, туркий қавмлар жаҳонда энг кўп, энг улуғ, энг қудратли халқлар экан. Афсуски, хозирги пайтда ер куррасининг беш қитъасида сочилиб кетган туркий қавмлар ўзаро жанглар, келишмовчиликлар, ички низолар, ер, сув, яйловларга әгалик қилиш туфайли азият чеккан бўлсалар, иккинчи томондан табиатан жанговар, от устида ухлаб, от устида овқатланадиган, алп турклардан ниҳоятда қўрқадиган славянлар уларга ҳар қадамда панд берганликларига амин бўламиз. Бир мисол: Мўғуллар булғор турклари устига бостириб келганда рус подшоҳлари уларнинг қирилишини хотиржам ва мамнуният билан кузатганлар. Ваҳоланки, бир вақтлар русларда очарчилик бўлганда булғорлар уларни дон-дун ва озиқ-овқат билан таъминлаган эдилар. Аммо рус подшоҳларини бу иши (қувончи) узоққа бормайди, мўғуллар уларни ҳам забт этади. Туркийлар билан славянларнинг вазият тақозосига кўра қони қўшилса ҳам, дини ҳануз яқинлашиб кетмаётгандигидан муаллиф афсусланади.

Туркий халқларнинг ўзаро қовушмаслиги уларнинг бирин-кетин тобе бўлишига олиб келади. Европалилар, амриқолилар, шимол туркларини куряклар, эскимослар ва бошқа қарам қилинган қавмларнинг рухиятини, жанговарлик қобилиятини янчиб ташлаш учун улар фахш ва ичимликни кенг тарғиб қиласидилар, бунга эришадилар ҳам. Абуший қурякларнинг хулқий бузилиши, яъни уларда азалда ҳеч кўрилмаган ўғрилик, жиноятчилик содир бўлишида рус тожирларининг таъсири катта бўлганлигини, амриқоликлар эса туркларни ичкиликка ўргатганликларини ўз китобида афсус билан ёзади.

<sup>2</sup> Ўша асар 38 бет.

Абушийнинг ёзишича, олим ва саёҳатчи либосидаги айрим рус корчаллонлари туркий халқларнинг қадимииятига дахлдор осору атиқаларини, ҳатто уларнинг энг муқаддас жойлари бўлган қабристонларини ҳам талаганлар.

Абуший мазкур асарида асосий эътиборини Русијага тобе бўлган туркий қавмлар тарихини ёритишга қаратган. Муаррих рус ҳукмдорлари ўтказётган сиёсатнинг асл моҳиятини англаб туркий қавмлар урфини, тилини, маданиятини, тарихини унутаётган қавмдошларининг тарихини абдийлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган кўринади. Шу боисдан ҳам у Ўрта Осиёга, Туркистонга жуда кам сахифаларни ажратган. Аммо бу унинг Туркистонга бўлган ҳурмат эътиборига асло соя солмаслигини тушуниш қийин эмас. Чунончи, маданият, илм-фан, давлатни бошқариш усулларининг мукаммаллигини у худди шу жойда яшовчи қабилаларда кўради. У сугоришининг энг кулагай усули Туркистонда жорий этилганлигини алоҳида қайд этади.

Туркий халқларнинг асл бешиги, кўз очиб кўрган Ватани бўлган Туркистоннинг түғди-битди турклари-ўзбеклар октябр инқилоби таъсирида ўзлигидан бегона қилинаётган эдилар. Буларга мустақиллик узил-кесил зарба берди. Мустақил Ўзбекистоннинг байроби эндилиқда бошимиз узра ҳилпираб турмоқда. Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги давомида ўзбек туркларининг ўзлигини англаши учун барча чора-тадбирлар кўрилди. Мазкур китобнинг нашр қилиниши ҳам шу йўлдаги дадил бир қадамдир, деб хисоблайман. Юртимизга ташриф буюраётган япон ҳам, фин ҳам бизга қондош-жондош бўлиб, улар бир улкан дараҳтнинг шоҳлари экан, буни англаш ўзликни англашдир. Ҳасан Ато Абуший ушбу асарида давр нуқтаи назаридан чекланган бир томонлама талқин қилинган ўринлари бор. Асарда хиндистонлик, покистонлик, озорбайжонлик, доғистонлик турклар ҳақида ҳеч бир нима айтилмаганлиги ҳам фикрни тасдиқлади.

Аммо муҳими, Абуший бизнинг истиқлолгача тарих фанимизда бўлиб келганидек, кимнингдир райига қараб, кимгадир ёкиш учун, кимнингдир сиёсатни мақуллашни ўйлаб иш тутмаган. У ҳақиқатни инсоғ билан далиллар орқали ифодалаган. Унинг китобида туркий қавмлар жаҳоннинг энг қадимий, энг маданиятли, энг жанговар, энг ишбилармон, мард, танти вақиллари эканлигини у ифтихор билан ёзган. Бу халқлар олижаноб, ишонувчан, дўст қадрига етадиган инсонлар бўлиб, уларнинг ушбу фазилатлари ўзларига гоҳо панд берганлигини, шунинг учун ҳам бир вақтлар Европанинг юрагига қадар ишғол қилган туркийлардан факат биргина Усмонли турклар ўз давлатига, хокимииятига эга бўлди, деб Абуший қайғуради. Шукроналар бўлсинки,

мустақиллик шарофати билан ўзбек турклари хуқуқий демократик давлатчиликка асос солиб, уни бугунги кунда бутун дунё тан олаётганлиги қувончлидир. Бу Хасан Ато Абуший орзусининг ушалиши, минг-минглаб ўтмишда армонда ўтган донишманд туркийлар ниятининг амалга оширганлигидан

далолатдир. Ўзликни англаш йўлида Абуший томонидан қилинган бу эзгу иш хозирги кунда мустақил Ватанимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, ўзбекларнинг қадимий қадриятларини оммага етказиш йўлида босилган муҳим бир қадам сифатида аҳамиятга моликдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Хасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. — Т.: Чўлпон. — 1993.